



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT  
TUMANI HOKIMINING  
QARORI**

Boğ‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 29 - I yanvar

111а -son

Boğ‘ot shaharchasi

Фуқаро Хўжаева Сумбулжон Ражаббоевнага “Нурли маскан” маҳалласи ҳудудида жойлашган “Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси” биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Олтинқум” шаҳарчасида яшовчи фуқаро Хўжаева Сумбулжон Ражаббоевнанинг “Нурли маскан” маҳалласи ҳудудида жойлашган “Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси” биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 21 январдаги ШЯ-Х-233-сонли аризасини, Боғот туман ҳокимининг 2015 йил 18 ноябрдаги 1851қ-сонли қарорини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2021 йил 21 январдаги 247-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6, 7-моддаларига асосланиб,

**Қ А Р О Р            Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Нурли маскан” маҳалласи ҳудудида жойлашган жами ички ўлчами 148,84 квадрат метр, қурилиш ости майдони 216,0 квадрат метр, умумий ер майдони 600,0 квадрат метрдан иборат бўлган ушбу “Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси” биноси фуқаро Хўжаева Сумбулжон Ражаббоевнага тегишли эканлиги эътироф этилсин.

2. Фуқаро Хўжаева Сумбулжон Ражаббоевна ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу “Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси” биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими  
вазифасини бажарувчи

Ш.Яхшибаев